




ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 149 (9.341) 1999 йил 24 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда

2000
9-январь —
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
сайлови куни

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНДЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзоди кўрсатилган Ислам Каримов 22 декабрь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси Рустам Холмуродов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими масъул котиби Сайимназар Каримов учрашув қатнашчиларини Ислам Каримовнинг тархимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Нотиқ ўз сўзида мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши, халқимиз озуқаларининг ушланиши, юртимизда амалга оширилган кенг миқёсдаги яратувчилик, бунёдкорлик ишлари Ислам Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида кейинги йилларда вилоятда кўптармоқли сонаот ривож билан бирга қишлоқ хўжалиги барқарор суъратларга ўсаятганини алоҳида таъкидлади. Вилоят деҳқонлари пахта ва галла тайёрлаш шартнома режаларини сўнгги икки йил давомида биринчилар қаторида бажариб келаятганининг ўзи бунинг яққол тасдиғи ва ифодасидир.

Кейинги йилларда вилоятда мамлакатимиз халқ хўжалигида янги тармоқ ҳисобланган корхоналар барпо этилаётгани хусусида гапирар экан, Ислам Каримов туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «СамКочавто» қўшма корхонаси фаолиятига тўхтади.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришни кўзлаб ишлаётган бундай корхоналар оз эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Буюк аждодларимиз шавкатининг боқий тимсоли бўлган азим Самарқандни янада обод этиш йўлида амалга оширилган иш-

ларга тўхталиб, Ислам Каримов бу эзгу ишлар ҳали келажак авлодлар томонидан эсланиши, ўзининг муносиб баҳосини олишига ишонч билдирди. Соҳибқирон Амир Темурнинг мақбараси таниб бўлмас даражада ўзгаргани, муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани халқимизнинг, юртимизга таширф буюраётган меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифаларни адо этиш учун, аввало, одамларни уюштириш ва сафарбар этиш юзасидан катта ишларни амалга ошириш лозим. Айни пайтда кўзлаган бу мақсадларимизни рўйбга чиқариш учун, аввало, маблағ, сармоя топишимиз зарур. Даромаднинг манбаи эса меҳнатни юксак унум ва самара берадиган тарзда ташкил этиш, замонавий ислохотларни кенг миқёсда амалга оширишдан иборат.

Бугун халқимиз, мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арасида турибди. Энг қувончли шундаки, биз янги асрга овоз ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз.

Ислам Каримов янги юз йиллик халқимиз учун чинакам юксалиш асри, саодат асри бўлишига ишонч билдирди.

Учрашувда сўзга чиққан Сиеб туманидаги Ислам Каримов таҳсил олган 21-ўрта мактабнинг собиқ директори, 87 ёшли меҳнат фахрийси Халим Абдурахмонов, Пахтачи туманидаги Р. Маҳмудов номи хўжалик галлачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев, Челақ туманидаги Имом ал-Бухорий масжид-мадраса имом-хатиби Усмонхон Алимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими масъул котиби Хосият Бобомуродова, халқ артисти Таънаберди Қурбонов Ислам Каримовнинг Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматларини таъкидлаб, 2000 йил 9 январьда сайловчиларнинг унинг номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

Муслимон НАМАЗОВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбирлари.

АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ НАВОИЙЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентиликка номзод, мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссиясининг раиси Б. Рўзиев бошқарди.

Президентликка номзод А. Жалоловнинг ишончли вакили, Халқ демократик партиясини Навоий вилоят Кенгашининг биринчи котиби Р. Ботиров сайловчиларни номзоднинг тархимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод А. Жалолов ўзининг сайловолди дастурини баён этар экан, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда демократияни, қучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув тизимини изчил

қарор топтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, порахўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби салбий иллатларнинг пайини қирқиш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг амалий ҳиссасини қўйиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Учрашувда сўзга чиққан Хатирчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходими Ш. Султонова, ХДП Навбаҳор туман Кенгаши биринчи котиби А. Пирматов, Навоий давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бўлим бошлиғи И. Загоскин, Навоий қурилиш бошқармаси ишчиси Қ. Фуломов сайловчиларни 2000 йилнинг 9 январь куни бўладиган Президент сайловида мустақил давлатимизнинг овоз ва обод келажиги учун сидқидилдан меҳнат қиладиган муносиб номзод учун овоз беришга чакирдилар.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири.



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Тошкент шаҳар сайлов округининг 285-сайлов участкасида бўлажак сайловларга қизгин тарадуд кўрилмоқда.

СУРАТДА: сайлов участкасининг раиси Иброҳим Тўлаганов, сайлов участкасининг котиби Асомиддин Эгамбердиев ва сайлов участкасининг аъзоси Нилуфар Исмоилова ўзаро мулоқот пайтида.

САЙЛОВЧИЛАР АЗМУ ҚАРОРИ

Ҳамза туманида жамоатчилик, маҳалла фаоллари ва мактаб ўқитувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Унда сўзга чиққанлар Ватанимизнинг раванки ва келажиги, тинч ва оқилолтига, эл-юрт фаровонлиги, халқлар ўртасидаги азалий дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш йўлида Президент Ислам Каримовнинг ҳиссалари беқеъ эканлигини ҳис-ҳаяжон билан изҳор этдилар.

Яқинда бўлиб ўтган «Тарновбоси» маҳалла йиғилиши қатнашчилари яқинлашиб келаятган Президент сайловида улкан ишлар раҳнамоси Президенти Ислам Каримов номзоди учун овоз беришга азму қарор қилдилар.

Ёш авлоднинг шаклланиши ва камол топиши, оиланинг мустаҳкамланишида, маҳалла ва жамоатчиликнинг таълим-тарбия ва бошқа оила, маҳалла муаммоларини ҳал қилиш, шунингдек мамлакатимизда миллатлараро тотувлигини, тинч ва осуда ҳаётини, юртимиз раванкини таъминлаш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш ва бошқа қарор янгиликлар бевосита Президентимиз Ислам Каримов номи билан боғлиқдир. Айниқса, Юртбошимизнинг ўқитувчилар ва мураббийларга қўрсатётган ғамхўрликлари қўрсатётган ғамхўрликлари беқеъдир. «Галабининг 40 йиллиги» даҳасида жойлашган Камолитдин Бехзод номли 212-ва ўлғубек номи 230-мактабларда бўлиб ўтган ўқитувчиларнинг Президент сайлови олдидан йиғилишида шу ҳақда миннатдорчилик туйғулари изҳор этилди.

Ўқитувчилар келажикимиз таянчи — болаларимиз ва набираларимизга ҳамма шарт-шароитларни яратиб бераётган Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга ва сайловда фаол иштирок этишга сўз бердилар.

Қидирбой ТЎЛАБОВ.

ЯҚИНЛИК БИЛАН

Шу кунларда мамлакатимизнинг турли бурчакларида яқинлашиб келаятган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгашида ҳам республика соғлиқни сақлаш тизими ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда республика соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, олим-профессорлар, ўқитувчилар иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон

соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитасининг раиси О. Муҳитдинова олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг профессор-маслаҳатчиси Ҳ. Орипов, Тошкент педиатрия институтининг кафедра мудири, профессор Н. Маҳмудова, Юнусобод тумани марказий поликлиникасининг мудири М. Обидова, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг

бош шифокори А. Подпоренко ва бошқалар сўзга чиқиб Президентимиз Ислам Каримовнинг халқимиз бахт-саодати, тинч ва фаровон турмушининг йўлида олиб бораётган беқеъ фаолияти тўғрисида фохр ва ифтихор билан гапирдилар.

Шунингдек, 2000 йил 9 январь куни бўладиган Президент сайловида Ислам Каримов номзодини яқинлиқ билан қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Анжуман сўнггида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма аъзоларининг барча соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари қасаба уюшма аъзоларига мурожаати қабул қилинди.

Дилором ИКРОМОВА.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1999 йил 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаси мажлиси бўлди. Мажлиси комиссия раиси Н. Қомилов бошқарди. Мажлисида шу йил 19 декабрь куни 66 сайлов округида Олий Мажлис депутатларини сайлаш юзасидан ўтказилган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди.

Овоз беришда барча сайлов округларида сайловчилар рўйхатида қиртилган 3338912 сайловчида 2918055 киши иштирок этди. Бу кўрсаткич тегишли округларда сайловчилар рўйхатларига қиртилганларнинг 87,4 фоизини ташкил этди. Такрорий овоз беришда Тошкент шаҳридаги етти та сайлов округида 77,4 фоизи, Андижон вилоятидаги учта сайлов округида 94,6 фоизи, Бухоро вилоятидаги тўрт та сайлов округида 90,1 фоизи, Жиззах вилоятидаги икки та сайлов округида 91,6 фоизи, Навоий вилоятидаги икки та сайлов округида 82,2 фоизи, Наманган вилоятидаги саккиз та сайлов округида 89,7 фоизи, Самарқанд вилоятидаги етти та сайлов округида 87,9 фоизи, Сирдарё вилоятидаги учта сайлов округида 90,8 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги бешта сайлов округида 82,6 фоизи, Тошкент вилоятидаги саккиз та сайлов округида 88,4 фоизи, Фарғона вилоятидаги саккиз та сайлов округида 92,7 фоизи, Хоразм вилоятидаги битта та сайлов округида 90,0 фоизи, Қашқадарё вилоятидаги бешта сайлов округида 82,6 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги учта сайлов округида 87,1 фоизи иштирок этди.

Такрорий овоз бериш натижаларига кўра, 65 сайлов округида депутатлар сайланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 16, Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 15, «Ватан тараққиёти» партиясидан — 11, «Адолат» социал-демокра-

тик партиясидан — 2, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан — 4, ҳокимият вакиллик органларидан — 12, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 5 депутат сайланди.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 179-Чорсу сайлов округида номзодлардан бирортаси ҳам сайловчиларнинг етарли миқдордаги овозини ололмаганилиги учун сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11 ва 44-моддаларига мувофиқ ушбу округда такрорий сайлов ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси тегишли округ сайлов комиссияларининг баёнларини кўриб чиқиб сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11,43 ва 46-моддаларига мувофиқ тарзда такрорий овоз бериш натижаларига кўра Олий Мажлис депутатлигига сайланганларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис депутатлари сайлови такрорий овоз бериш бўйича барча жойларда қонун ҳужжатларининг талабларига тўла мувофиқ ўтди.

● **Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан такрорий овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳри бўйича Олий Мажлис депутати этиб сайланганларнинг рўйхати газетамизнинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Илгари хабар берганимиздек, 19 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича 21 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилиб, шаҳар сайлов комиссияси томонидан унинг якунлари чиқарилиди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси котиби М. Шоисаевнинг айтишича, овоз беришнинг иккинчи турида ҳар бир округ бўйича асосий сайловларда қатнашган номзодлар орасидан биринчи турда энг кўп овоз олган иккитадан номзод иштирок этган. Барча сайлов участкаларида такрорий жараён фаол, бутун қонуний метёбларга риоя қилинган ҳолда ўтди. 21 та сайлов округи бўйича рўйхатга олинган 441611 нафар сайловчилар 19 декабрдаги овоз беришда 357114 нафар киши қатнашди ва бу сайловчилар умумий сонининг 80,9 фоизини ташкил этди.

Иккинчи тур натижаларига кўра сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган 42 номзоддан 21 нафари энг кўп овоз олган ҳолда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланди. Шу жумладан, Ўзбекистон халқ демократик партиясидан — 6 киши, Фидокорлар Миллий-демократик партиясидан — 4 киши, «Ватан тараққиёти» партиясидан — 2 киши, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларидан — 8 киши, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳ-

ларидан — 1 киши халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланди. Шундай қилиб, ўтган сайловлар ва такрорий овоз бериш якунларига кўра халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 60 нафар депутат сайланди. Улардан 24 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясини, 5 нафари — Фидокорлар Миллий-демократик партиясини, 3 нафари — «Ватан тараққиёти» партиясини, биттаси — «Адолат» социал-демократик партиясини, 24 нафари — фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, 3 нафари эса сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакилларилир. Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатларнинг олтидан бир қисмини аёллар ташкил этди.

Шундай қилиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг янги таркиби шаклланди. Шубҳасиз, унинг барча аъзолари ўзларининг асосий иш соҳаларида ҳам, депутатлик фаолиятида ҳам фаоллик кўрсатдилар. Энг муҳими, улар келажакдаги ижтимоий-иқтисодий фаровонлик ва тинчлик-тотувлиқнинг сақланишига умид қилган ҳолда ўз овозларини берган сайловчиларнинг ишончларини оқлайдилар.

● **Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан такрорий овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланганларнинг рўйхати газетамизнинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда.**

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг «2000—2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни қучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалаларига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелевизиокомпания, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбекнаво», бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатимиз иждоқорлари орасида анъанавий «Офарин» танловини ташкил этишга қарор қилди. Кеча республика Киночилар уйида бўлиб ўтган мазкур танловни таъсис этишга бағишланган мажлисда танлов Низоми ва шартлари тасдиқланди.

● Ўзбекистон Президентининг 2000 йилги давлат стипендиатлари аниқланди. Улар 3-ўқув йили аспирантлари Шоира Шодмонова, Гавҳар Патуллаева, Абдураззоқ Хўжабеков, Нодира Абдуллажоновна, Жамшид Жабиервалдир.

● Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидега Аёллар йили якунларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Урганчидаги пиво ва чанқовбосди ичимликларни ишлаб чиқарадиган Ўзбек-Америка «Мева» қўшма корхонаси маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди.

● Қашқадарёда Ватанимиз киноси кунлари бошланди.

● Самарқандда энг йирик Сиеб деҳқон бозорини таъмирлаш ишлари тез суъратлар билан олиб боришмоқда.

● «Дўстлик» агрофирмасида табиий шартларни ишлаб чиқарадиган линия фойдаланишга топширилди.

● Янги йил арасида Халқаро «Экосан» жамғармаси навбатдаги саломатлик автопоездни экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудуд — Қорақалпоғистон Республикасига жўнатди.

● «Дийдор» фотогалереясида «Исроил, тўлақонли ҳаёт» деб номланган фотоқўرғазма очилди.

● Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан тайёрланган «Хотин-қизлар энциклопедияси»нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилоятининг Боғишамол туманидаги «Наврўз» болалар богчасида «Богча, оила, мактаб» клуби очилди.



ЖАХОНДА

● Украина парламенти Украина Марказий банкига раҳбарлик қилиб келган Виктор Илюшенконки мамлакат Бош вазирини лавозимига тасдиқлади.

● Япония ҳукумати Косовода фаолият кўрсатаётган БМТ миссияси учун 14,8 миллион АҚШ доллари ажратганини маълум қилди.

● Фарбдаги бир қатор ахборот маҳкамалари россиялик ҳарбий хизматчиларининг Алхант-Юрт қишлоғида каллақасарлик ва тинч аҳолини талон-тарож қилганликлари ҳақида хабарни тарқатдилар. Аввалгига федерал қўшинлар кўмондонлиги бу хабарни қатъий рад этди, бироқ ҳозир ана шундай ахвол содир бўлганини ёки йўқлигини аниқлаш мақсадига тергов ишлари бошланганлиги маълум бўлди. Шунингдек Грознийнинг собиқ мэри Б.Гантмиров кўмондонлиги остида россиялик жангчи бўлинмалари ҳамроҳлигида чечен қўнгилчилари жангчилари Грознийга кирганликлари ҳақидаги маълумотлар бор. Россия Бош вазирини Владимир Путин Чеченистондаги террорчиларга қарши жараёнинг охиригача етказилиши ҳақида баёнот бериб, унинг қил муддатини айтилмади.

● МДХ ижрочи котиби Ю. Яров Бокуда Озарбайжон Президенти Х. Алиев билан январь ойида бўлажак Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг саммитига тайёргарлик масалалари хусусида музокаралар олиб борди.

● Молдовада янги ҳукуматни қўллаб-қувватлаш белгиси сифатида бензин нархи 5 фоизга пасайтирилди.

● Илгари қабул қилинган қарорга мувофиқ сўнгги россиялик чегарачилар Туркменистондан чиқиб кетдилар.

● Бугун Ашгабатда дунё туркманларининг қурултойи очилди.

● Кеча Японияда Миллий байрам — императорнинг туғилган куни нишонланди. Япониянинг ҳозирги ҳукмдори Акихито 66 ёшга тўлди.

● Италияда ҳукумат танглигига барҳам берилди. Парламент яна М. Д'Алемо бошчилигидаги вазирлар маҳкамасининг янги таркибини тасдиқлади.

● Халқаро валюта фонди Туркияга молиявий ислохотларни амалга ошириш ва яқинда юз берган қучли зилзила оқибатларини тугатиш учун 4 миллиард доллар ажратишга қарор қилди.

● Германиянинг Мюнхен шаҳридаги «Гете форум» институти ташаббуси билан «Марказий Осиёнинг мусиқий маданияти» фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги қошидаги «Сўғдиёна» давлат халқ чолу камер оркестри ҳам иштирок этди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Венесуэлада юз берган сув тошқинидан ташвиш билдириб, табиий офат қурбони бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилди.

● Венесуэла парламенти мамлакат Президентига яқинда юз берган табиий офат — сув тошқини оқибатларига қарши курашда фавқулодда ваколатлар берди. Ҳозиргача 30 мингдан зиёд кишининг қурбон бўлганлиги аён бўлди, бироқ қурбонларнинг аниқ миқдори ҳали маълум эмас.

● Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир вилоятида полициячилар билан покистонпараст айирмачилар ўртасида яна қуролли тўқнашув юз берди.

● Малайзия Россиядан 14 та икки ўриндикли «МиГ-29-УБ» русумли қирувчи самолётни сотиб олишни режалаштирмоқда.

● Хитойда Қорбобога бағишланган илк истироҳат боғи очилди.

● Кўп йиллар мобайнида биринчи марта Сеулда Жанубий ва Шимолий Корея командалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

● Филиппин соҳилларида ичида 650 дан ортққ йўловчи бўлган кема чўкиб кетди. Қутқарув ишлари пайтида 200 киши қутқарилиб, қолганлар ҳозирча бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Кеманинг чўкиб кетиш сабаби унга ҳаддан ташқари кўп юк ортилганлигида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 43 ва 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 1999 йил 19 декабрда ўтказилган такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган қуйидагилар Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

№	Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Номзод кўрсатган органнинг номи	Эталаб турган лавозими (машғулоти)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6	7
1.	Асқаров Бахтиёр	1942	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори	Тошкент шаҳри	21-Оқлон
2.	Ашуров Мухсиндхон Ҳурамович	1949	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	«Фон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	Тошкент шаҳри	19-Мевазор
3.	Далимов Тўрабек Нугманович	1936	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси	Тошкент Давлат Университети ректори	Тошкент шаҳри	12-Қорақамиш
4.	Жалилов Шукрат Илҳомович	1939	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	«Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	20-Шайхонтохур
5.	Ким Сергей Сергеевич	1959	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	«Билдинг» технологияси «Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	8-Миробод
6.	Мелкумов Александр Николаевич	1940	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Совпластгаз» қўшма корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	18-Чилонзор
7.	Раматов Ачилбай Жуманиязович	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Ўзтемирйўл» таъмирлаш-қўшма корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	2-Оқтепа

Марказий сайлов комиссияси раиси
Тошкент шаҳри, 1999 йил 23 декабрь.

Н. КОМИЛОВ.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов
ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41 ва 45-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Такрорий овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги кўрсатилган депутатликка номзодлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати этиб сайланиш ва рўйхатга олинди деб ҳисоблансин:

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органнинг номи	Эталаб турган лавозими (машғулоти)	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6
1.	Акрамова Муҳлисахон Мансуровна	1960	ЎЗФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«Файз-барақа ММЛ» компанияси бош директори	31-Машинасозлар
2.	Акрамов Аҳмад Махмудович	1955	ЎЗФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«Тошкент оқшом» ва «Бечерний Тошкент» газеталари бош муҳаррири	39-Қатортол
3.	Алимов Раимиджон Хайитович	1950	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори	40-Қўтарма
4.	Ахмедов Ташиниз	1953	ВТП Тошкент шаҳар Кенгаши	Тошкент молия институти қўшма директори	48-Жарариқ
5.	Бабаханов Хайдар Эргашевич	1959	ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши	ЎЗХДП Шайхонтохур туман Кенгашининг биринчи котиби	47-Тинчлик
6.	Бахридиханов Саламдинхан	1947	ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши	Абу Али Ибн Сино номидаги клиник касалхонаси бош шифокори	44-Фурқат
7.	Валиев Убайдулла Манганович	1952	ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«2-Автокомбинат» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси	3-Абдулла Қодирий
8.	Ганиева Саида Исламовна	1957	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	«Шарк гули» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси	43-Навоий
9.	Ғафуров Марат Абдулҳақович	1940	ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«Тошполитграф» компанияси бош директори	45-Каттабў
10.	Зиқиров Қудратилла Рўхсидович	1968	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	«12-автотранс саройи» ОТАЖ бошқаруви раиси	24-Дўстлик
11.	Иванов Валерий Александрович	1941	ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси	32-Содиқ Азимов
12.	Имамов Шайхурилла Гулямович	1960	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	«Авиабанк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси	18-Темир йўл
13.	Қамалдинов Қамолдин	1946	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	«Шаҳарий йўлқўрилиш таъмирлаш» трести бошқаруви раиси	20-Толариқ
14.	Қаримов Фатхулло Шахрукович	1944	ВТП Тошкент шаҳар Кенгаши	Тошкент молия институти иқтисодиёт ва тadbирдорлик бўйича ректор муовини	4-Зиё Саид
15.	Қаримов Хамид Якубович	1941	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори	26-Беруний
16.	Қасимов Шавкат Манганович	1954	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Чилонзор тумани ҳокими	37-Олмазор
17.	Раҳматуллаев Файзулла Нигматуллаевич	1941	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи	Тошкент «Чинчи заводи» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси	21-Қорасарой
18.	Саматов Хамидулла Зайдалиевич	1960	ЎЗФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«Химреактивкомплект» ҳиссадорлик жамияти бош директори	52-Туркистон
19.	Садиков Абдуқамил	1942	ЎЗХДП Тошкент шаҳар Кенгаши	«ЎзМалОил» қўшма корхонаси бош директори	22-Иброҳим ота
20.	Ханов Нодирхон Масудович	1963	ЎЗФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Министрлиги Бунки Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси	13-Гулшан
21.	Шаҳабова Мунира	1944	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	А. Икромов туманидаги 8-поликлиника бош шифокори	5-Ойбек

Шаҳар сайлов комиссияси раиси
Тошкент шаҳри, 1999 йил 20 декабрь.

Ф. МАЛИКОВ.



Зухра Раҳматуллаева қалби пок, меҳрибон инсонлардан. Унинг ўзи меҳрга, ёрдамга муҳтож бўлсада, доим ўзгалар оғирлигини енгиб қилиш, ўқисик дилларга маҳкам бўлиш пайида. Шу сабабли З. Раҳматуллаева жорий йилнинг баҳоридан ногирон аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Яққасарой тумани ҳудудидан тикувчиликка ихтисослашган «Азизим» шўъба корхонасини ташкил қилди...

30 нафар меҳнат ўз бағрига олган маъмурият қўшниқда фаолият бошлаганига ҳам ярим йилдан ошди. Шу вақт ичида тикувчи аёллар ўзларининг нимага қодир эканликлари юзидан кўрсатдилар. Корхонада тайёрланаётган махсулотлар ўзининг сифати ва замон талабларига мос келадиганлиги билан хандорлар эътиборини тортмоқда. Очиғини

ҳақда икки оғиз сўзлаб берсангиз. — Оббо, сиз муҳбирлар-ей. Шундан ҳам хабар топибсизлар-да. Аввало, қўшиқ айтмайман, хиргойи қиламан. Шейр ёзишимга келсак, булар ҳам оддий машқлар ҳолос. Юқорида айтганимдек, кўп йиллар юрломли тушакда ётавериш жонга тегди. Аввалига роса тушқунликка тушганим. «Умрбод юрломли қўшма нима бўлади, кимга дардасиз бўламан?» дег эзилдим, кўйдим. Ўйлаб қарасам, бефойда. Яқинимки, табиятан қувноқлигим бор. Ана шунда шейрлар ёза бошладим. Айримлари бадий ижод талабига жавоб бердим, ҳарқалай матбуотда, радио, телевидениеда эълон қилинди. Лекин, айтиб қўям, асло шoirликка даъво қилмайман. Бу — аслида кўнглим иши. Ўша вақтда ҳар кун Оллоҳга нола қилардимки, агар тузалиб кетсам, фақат ўқисик дилларга ёрдам бераман, деб. «Яхши ният — ярим давлат», деганларидек ажабмас, илгаригидек соғайиб кетсам.

— Шунча ишнингиз кўп бўлишига қарамай ногирон болаларни даволайдиган марказ ҳам очибсиз. Бу сизга қийинчилик туғдирмайдими?



айтганда бу муваффақиятлар замирида машаққатли меҳнат ва «Азизим» жамоасининг раҳбаридан то оддий хизматчининг ўз устидан тинимсиз ижодий изланиши ётади, албатта. Бизнинг «Азизим» корхонаси раҳбари Зухра Раҳматуллаева билан сўбатимиз қуйидаги биринчи олдидинга саволдан бошланди:

— Зухра опа, одатда берилмайдиган расмий саволлардан воз кечайлик-да, дилдан суҳбатлашайлик. Айтгинчи, «Кўнлар келди, мен ҳам машҳур бўламан, муҳбирлар мен ҳақимда маколлар эълон қилади», деган фикр хаёлингиздан ҳеч ўтганими?

— Қаёқда дейсиз. Бундай фикр хаёлимга умуман келмаган. Аксинча, ўқисик дилларга маҳкам бўлиш ораси мен тун кун тарқатмайди. Чунки аслида ота-онамдан сопақаси туғилдим. Бошқалар қатори мактабда, сўнгра Тошкент политехника институти (ҳозирги техника Давлат университети)нинг архитектура факультетига тахсил олдим. Ўз соҳамда бир неча йиллар ишладим ҳам. Ҳамон ўз ҳиссамни оғирман. Бирок тақдиримда бор экан, мана 10 йилдирки, ногиронлик қисмати менга тарқатгани йўқ, 1989 йилда оғирлик қаттиқ оғирлиқ юрломли ётиб қолдим. Ишонасизми, 8 йил тушакка миклангандай ётиш жуда азоб экан. Бир неча бор шифокорлар жарроҳлик йўли билан даволамоқчи бўлишди-ю натижаси кўнгилдагидек чиқмади. Яратганга шукри, 2 йилдан бери қўлтиқтаёқ билан юраялман. Шу ўриндан тан олишим керакки, бу тоифа инсонларга доимо кўмак ва ёрдам зарурлигини эндиғина чуқур англаб етдим. Менда ногирон аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишларига кўмак бериш истаги туғилди-ю жорий йилда «Азизим» корхонаси ташкил этилди. Дунёда яхшилар кўп. «Азизим»ни очишда ҳоимийлик қилиб яқиндан ёрдам берган Тошкент шаҳар ва Яққасарой тумани ҳокимликлари, Фидокорлар Миллий демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига қатта раҳмат айтган ҳолда эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, дегим келди. Чунки бу ташкилотлар саховатлари билан 30 нафар меҳрга ташна аёлларнинг ҳаётида ўз ўринларини ағалашларига сабабчи бўлдилар. Ҳозирданқо кўнглим хабарини айтишим мумкинки, «Шарк-шаббада» акциядорлик жамияти берган 1000 та махсус эркаклар қийими тикиб бўлиди. Дастлабки 2,5 миллион сўмлик фойда корхонамиз ҳисобига келиб тушди. Ҳадиси Шарифда «Оллоҳ таоло ногиронларни ўзгалар ўзлигини англаши учун яратди», дейилади. Ҳақиқатан ҳам ногиронлар ўзларининг Оллоҳ берган иқтидорлари билан жамиятга мислсиз фойда келтиришлари мумкин. Фақатгина уларга жондеккина эътибор-у ёрдам зарур ҳолос. Фикримнинг исботи учун корхонамиз тикувчилик бўлими биринчи, иккинчи гуруҳ ногиронлари Нодира Тиллаева, Наргиза Саримсқова, Мақсуда Нуриддинова, Ақида Абдурахимова, Маъмура Қодинова, Малика Йўлдошевваларнинг ўз касбига бўлган садоқатини айтишим жоиз. Чунки бу аёлларнинг аксарияти тикувчиликдан тамомлаи беҳабар, тушқун кайфиятда, уйда зерикиб ўтиришган экан. Бунга қараганки, «Азизим»га келишлари билан меҳнатта чанқок эканликларини намойиш этдилар. Аввал Яққасарой туманида жойлашган «Паризод» масъулияти чекланган тикувчилик корхонасида малака олиришди. Натижада моҳир чевар бўлиб олишди. Ҳозир улар тикватган аёллар қўйлақларини халқларининг бозори чакқон. Шунини айтдиқларда «Интиқилиб толе ёр деб».

— Ишдан бўш вақтларингизда шейр ёзар экансиз, қўшиқ айтган экансиз. Шу

— Ҳадиси Шарифда «Жаннатнинг қалити мисқин, фақирларни севилмайдир», дейлади. Бу ҳикмати ҳамма ҳам тушунавермайди. Гапнинг индальсини айтганда ҳамон айримлар ногиронга менсимай қарайдилар. Билмайдиларки, бу тоифа инсонлар Оллоҳнинг сўйган бандалари бўлиб, булар орасида саҳовият, зеҳни ўткир инсонлар бор. Ногиронлик шундай қисмат эканики, у ҳар кимнинг бошига, хоҳлаган вақтда тушиб қолиши мумкин. Ана шу сабаб ҳам меҳрга муҳтож инсонларга маддадор бўлиш савоб иш. Назаримда айримлар байрамлардагина ногиронларга озгина пул ёки соғва беришни ёрдам деб тушунадилар. Бу — нотўғри фикр. Ногиронга кўмак беришни хоҳласангиз, уларга касб ўргатинг, иш билан таъминлаб, ўқитинг, даволаб. Ан шунда сиз эзгуликка қўл урған бўласиз. Зеро, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўвмазга узакларни муҳрга «Эзгулик — маънавият қўшиқидир. Ул нур-забт этган қалб доим ақилчиликка интилади», деган сўзларни ёздирмаганлар. Шу мақсадда мен ёш ногирон ўсмирларни ҳам даволайдиган, ҳам уларга санъат сирларини ўргатадиган марказ очишни ният қилгандим. Аввало яна ҳоимийларга, саховатли инсонларга раҳмат. Бу сафар ҳам Тошкент шаҳар ва Яққасарой тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Фидокорлар Миллий демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти кўмакка келиб, оғиримизни енгиб қилишди. Натижада «Азизим» деб номланган, ногирон болаларни даволайдиган маданият маркази ташкил қилинди. Бу ерда қўшига 6 нафар ўсмир доволаниши, 16 нафар ўсмир эса ҳаёқаларолик, расмийлик санъати сирларини ўрганиши мумкин. Ажабмас, келажакда ана шу болалар орасидан ҳам арбоблар, олимлар етишиб чиқса. Муҳими улар санъат билан ошно бўлади-ку. Ахир тан-жони соғ бўла туриб жамиятга бир мисқолчилик нафи тегмайдиган боқиманда инсонлар йўқми орамизда?

— Орузим — ҳеч ким ногирон бўлиб қолмасин. Бунинг учун ҳар бир эркак аёл ўзини зарарли ишлардан тийиши лозим. Айниқса, аёллар соғ бўлиши керак. Чунки соғ онадан соғ бола туғилади. Эркаклар ҳам илоҳий борича сиргетар арокдан, айниқса гиванд моддалардан ўзларини тийсалар. Шунинг жисмоний меҳнат билан шуғуллансалар ногиронлик илдизига болаша урган бўлади-лар. Ниятим юртимиз осмонни мусаффо, ҳар бир оилада тинчлик, хотиржамлик бўлсин. Ҳаёт турли синолардан иборат. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон муруваттаешликни қалбига жо қилиб яшаса, ўз бурчини тўла адо этган бўлади. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ногиронларга шахсан эътиборлари катта бўлмоқда. Орамизда қалби пок, саховатпеша инсонлар, сармоядорлар кўп. Агар улар ўз корхоналарида, маҳалларида яшаётган ночор кимсаларга янада эътибор бериб, доим ёрдам берсалар орамизда ёрдамга муҳтожлар сони ана қамаяди. Бизнинг юртимизда ҳам ногиронлар ўзларининг нимага қодирликларини кўрсатадилар. Дил сўзларини «Умидли дунё» дея номланган шейрим билан ақунламоқчиман.

Болнига тошлар отгани, зулматни тасвир, Ортидан тошлар отгани, юртимиз тасвир. Ласҳа, ласҳа кўп бўлган юртимизда дегди бор. Бу ёрғ дунёда менга ҳам армоним бор. Ортидан тошлар отиб, қалбим бичган гашимлар У йилда энди деб ахш соғанган гашимлар. Ҳа, мен ақилдим-у ақилсиз-да ўзимдан Эзлимизга эғладим, аммо асло синамадим. Бу умидли дунёда умидларим кўп ҳали Оллоҳ ёлғиз таянчим — келажиким зарҳали. Акбар Йўлдошев.

Назорат инспекциясида
ТЕКШИРУВ
НАТИЖАЛАРИ
МУҲОКАМАСИ

Шайхонтохур тумани назорат инспекциясининг наъбатдаги йилиги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва уларининг ижроси юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорларининг туман ҳудудидан маъжуд бўлган 8 та нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда туман ҳокими М. А. Одилов, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Х. А. Содиковлар иштирок этти.

Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли «Халқ ҳўжаллигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1999 йил 19 июлдаги Фармонларининг бажарилиши кўрилади. Шунда «Ўрама-қулча» масъулияти чекланган жамиятининг 1609,3 минг сўм дебиторлик қарзи бўлиб, 5, ундан муддатли ўтгани 1,2 2 минг сўми ташкил қилиниши, кредиторлик қарз таққили қилинганди 7839,4 4 минг сўм қарз мавжуд бўлиб, муддатли ўтгани 3208,3 минг сўми, шундан ишчи-хизматчиларининг ойлик маошларидан қарзи 2687 минг сўми и (апрель-октябрь ойлари учун) ташкил қилиши аниқланди. Ўшбу масалани ўрганиш жараёнида у ижобий ҳал этилди.

«Тахтапул-нон» ҳиссадорлик жамиятида 13451,43 минг сўм дебиторлик қарз мавжуд бўлиб, 5, муддатли ўтгани 816,78 минг сўми ташкил қилади. 1. Ўрганиш қўнига қадар 482823 сўм қарздор бўлган «Нафиса-Сардор» корхонаси ҳўжазлари прокуратура органига топширилган бўлсада, шу қўнига қадар 303071 сўм қарздор бўлган корхоналарга нисбатан қўрилган чоралар талабга жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Оқордидагилар билан бир қаторда ўрганилган корхоналарда Республикаси Президентининг 1998 йил 2 мартдаги 1933-сонли «Санитария қўнунларини бузганлик учун жавобгарликни қўнайиши тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши кўриб чиқилганда деярли барча корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлимларидаги технология жўхўзаларининг санитария ҳолати талабга жавоб бермаслиги, махсулотлар қолдиқларидан тозаланмаслиги ҳамда ишчи-хизматчилар тиббий қўриқдан ўз вақтида ўтмаган бўлсаларда, ишга қўйилгани ҳолатлари маълум бўлди. 1. Санитария қўнун-қоидаларини бузганликлар учун 8 та корхона раҳбарлари ва маъсул ходимлари тузман бош санитар шифокор томонидан тузилган баённомаларга асосан маъмурий жавобгарликка қўрилиб, улардан жами 76050 сўм миқдоридида жарима ундирилди.

Йиғилишда қабул қилинган қарорга мувофиқ назорат инспекцияси томонидан аниқланган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш ва туман ҳокимлигига шу йилнинг 25 декабрини ахборот бериш шкорхона раҳбарларининг натижасига юқлатилди.

Ҳикматилла ШУКУРОВ, В. Шайхонтохур тумани ҳокими ўринбосари — назорат инспекциясининг раҳбари. и.

ТОШКЕНТДА РЕКЛАМА
АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

1954 йил «Канн шерлари» халқаро реклама фестивалига асос солинган йил ҳисобланади. Венецияда ўтказилган дастлабки фестиваль таловига 80 та фильм қўйилган эди.

Орадан ўтган вақт ичида «Шерлар» номини олган халқаро реклама фестивали реклама фильмларининг энг нуфузли кўригига айланди. Кейинчалик фестиваль доирасидан ношрирлик рекламалари танлови ҳам ўрин олди.

Бу йил Канн шаҳрида ўтказилган 46-фестивалга 75 мамлакатдан етти

мингдан ортқ қатнашчи ташриф буюрди. Улар орасида Ўзбекистондан ҳам вакиллар борлиги қўнонарли ҳолдир. Ҳар йили «Канн шерлари» халқаро реклама фестивали ўтказилганидан сўнг жаҳоннинг турли мамлакатларида энг яхши ишларнинг тақдимот намойишларини ўтказиш хайрли анъана тусига кирган.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Тақдирот

Куни кеча «Филип Моррис» компаниясининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент халқаро бизнес маркази томонидан «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида илк бор шаҳримизда «Канн шерлари — 99» фестивалининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тақдирот ташриф буюрганлар реклама тарихи тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлишди, юқоридаги фестивалнинг энг яхши реклама роликлари, шунингдек, ўзбекистонлик реклама усталарининг сараишларидан баҳраманд бўлишди. Ўшбу тақдирот доирасида Марказий Осиёда 2000 йил илк бор ўтказилмайдиган Тошкент халқаро реклама фестивалининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Ҳазалхонлик

НАСОҲАТ
ТУШУНМАС
Малҳам сўз қадрини гаддор тушунмас,
Дил сўз маънисин бекор тушунмас.
Агар йўқ бўлса номус кишида
Абасдур яхши сўз такрор тушунмас.
Агар нобон эрса йўлдош, ҳолинг вой.
Тихирликдир иши, зинҳор тушунмас.
Агар билсанг қочар доно ёмондин
Сани қадрингизни у беор тушунмас.
Мени ҳолимга боқ, ёро ганим кўп,
Ўзингдан ўзаси бир бор тушунмас.
Кеча-қундуш уйбў сўзим унутма,
Асал қадриш чаёну мор тушунмас.
Гул каби авайлаб ўстирдим сени,
Печук гулим атаб бу хор тушунмас.
Турсунхўжа МАҲМУДХҲАЕВ.

ДАМ ОЛИШ

ОҚШОМИДА

Ҳаёт сабоқлари

Одат қўмасаб ва боши гангбар юрган Бердиқулга чойоначининг хизматига бахонидил кирибди. Бир неча кун мобайнида у яхши ишлашга ўзини мажбур қилибди. Чойоначи хурсанд бўлиб бир қўйни ютисига ишончи ортиб бораверибди. Бирдан чойоначининг хотинининг дарди тутганлиги ҳақида хабар келибди. У Бердиқулга самоварларнинг олови ба- ландлиги учун сув солиб турISHНИ буюриб шошилиб уйига жўнабди. Бир вақт келса иккита самовар сув- сизликдан эриб кетибди. Бердиқул эртага бўлар- деб сув солмаган экан. Чойоначи уни дараксизга

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор.

Яшнар Муллинова ва Гулчехра Жамилваловлар ёш келинларга ёрдам бериш кераклиги ҳақидаги мулоҳазалари суҳбатчилар учун иккинчи ҳамда Назокат Усмонова «Ҳиммидлик» шахсиятида ўрин олган шарҳлари учун учинчи мукофотга сазовор бўлди. Солиҳ Қаҳҳор ҳамда Уктам Муҳаммад Муроднинг мақолалари эса рағбатлантирувчи мукофотга муносиб топилди. Фотиблир «Қамолот»нинг пул мукофотлари ва дипломалари билан тақдирландилар.

Донишмандлар хазинасидан

Табиатни асраб-авайлаш бизнинг қулимизда.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

инкони оғил эмизма иук эдди, назарининг
 кетмаси, яна тахтинбир бурт гушисдин узга ни-
 қобдор зохир бўлиб, қўлимдин тутиб, қулогим-
 нинг тағизга зарб билан бир тарсаки урди. Бе-
 ҳуш бўлиб тахтин йиқилдим, ўзимга келиб бек-
 сам ушбу дашти балохезда ўзимни қўрдим. Ул
 қасрдн да яна тахт, паридн ҳақ нишони йўқ-
 дур. Энди ўз хоҳишимга бўлиб кетмоғимга ул
 парининг шакл-шамойили бир нафас назарим-
 дан кетмас, нalloл бўлиб неча замонлардин
 буюн бул макондаурларм да шул байти йўр-
 мам: «Бир қўриб дилбаримни бас қилдим, яна
 қўрмоқни ҳавас қилдим», ҳамиша дард ва
 забоним шулдур, дерд ҳушидан кетди. Яна ўзига
 келиб йилғлар эрди. Хотам айтди, эй жавоном-
 лар ўринингдин тургли, мен билан ҳамроҳ бўл-
 гил, токи сени махбубинга еткурғамин, де-
 гаҳ хотамини оёғига ўзини ташлади. Хотам унинг
 бошини ердан қўтариб, дерд осилуқлар айлаб,
 ўзига рафиқ айлаб йўлга равона бўлишар. Хо-
 там дедимки, эй биродарим, қўриқлар мен
 билан қўриқларда бўларининг, қўриқларда бул-
 дам қўриқларим ҳақиқ эоди. Энди яна ул қасрга
 етарсан, ул никоблар қўлини тутмасанг уми-
 ринг борица анда бўлагьсан. Қачон бу тилисмот-
 дин қўтилиқот истасанг ул сурат қўлини уш-
 латгил ўзининг бу дашти Ҳувайдога қўрасан. Эй
 биродар, албатта яна бир қўриб ўзининг қутқар-
 ибиги олгайсн. Ўз ватанинга бориб муродинг-
 га етиб ашайгайсн ва лекин бу тилисмотдур,
 асли йўқдур, ҳукмоларнинг ўйинларининг би-
 ридир, дерб қўб нуқсасиҳат қилди. То ул қўлоб-
 га етдилар. Хотам дедимки, эй биродарим сени
 худого топишдир, дерд ўзи қўлобдан ўзоқ-
 роқда турди. Ул йигит қўлининг лабига етиши
 билан, қўл маъжладан, ул яланғоч хотин пайдо
 бўлиб, ул йигитни белидин тутиб қўлоб остида
 олиб кетди. Хотам хотиржам бўлиб йўлга туш-
 ди ул дарвеш бўстонига етиб, дарवेशни
 келёрат қилиб, қўрганларни бир-бир бағнга кел-
 тирди. Ул дарवेश Хотамнинг ҳимматига тах-
 синлар қўиб, дулоар айлди. Хотам яна бир
 кеча меҳмон бўлғач, видолашиб йўлга тушди.
 Андоқки, ул балик сурат анда маконига етди,
 ул паризод билан неча кун айл-ишратлар
 айлаб, андин андоқ билан қўриқлар кетди.
 Бир неча кўнарлард сўрига тоқхун қўриқлар-
 ыга етиб, шох билан қўриқлар, андин Моқ па-
 ри харамига кириб, дилхўшлардан билан би-
 ри ки ои мунда бўлиб. Йўл кулфатларидин осу-
 да бўлғач, видолашиб яна йўлга тушди. То ул
 шағоллар, бўриллар, тўнғузлар билан бир кеча
 ҳамсуҳбат бўлиб, розилиқ тилашиб, яна йўлга
 тушди. Андақ замонда Ҳуснободга етиб, шаҳ-
 зода Муниринг сўҳбатига қадам еткурди. Ик-
 ки биродар шаҳзолалар бу кечани ўтқардилар.
 Хотам кулган ва эшитганини дафтар айлаб,
 маликага юборди. Малика бошдан-оёқ қўиб,
 зиёда хурсанд бўлди. Доғни буюрдиким, ма-
 лика тилидин Хотамдин ҳол-хавол сўраб келди.
 Бир лаган нақдина билан дастурхон юборди.
 Иккинчи саволни қат қилиб борди. Доя етиб
 келиб, Хотам билан қўришиб, маликанинг са-
 ломини еткурди. Дарзамон дастурхондин таом-
 лар еб сөрөб бўлидилар. Дар маликанинг ияноят-
 номасини берди. Хотам малика хатини қўли-
 мундог битибдурким, аввали ном ҳазрат ҳал-
 лок инс жонга ҳамдлар тахтлар бн шумор
 етсун, сўнгра арзимиз шукри қўлидин ул жа-
 воно билан қўриб, андин шукри қўлидан эҳурет
 эрди. Энди андин ул нафасларининг айлаб,
 иккинчи саволга қдам қўйғалар то ҳақон оф-
 рини хўшлуд бўлғай, дерд иккинчи саволни ёзиб-
 дур: «Ҳашиқил даҳлагга ки қил жондин, ажрини
 қал берур биёбондин». Ул киши неҳудин дарёга
 ҳашиқил айлаб, мўздини саҳодин топибдур.
 Бу сўзинг таҳқиқи ва асли қандок эканини
 билиб келғалар, номга таълим вассалом.

Тўғрнқ ҒАЙНОВ тайёролаган.

Майсара Орипова шахримиздаги 126-мактабда 20 йилдан буён она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга дарс бериб келмоқда. У ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

СУРАТДА: М. Орипова ўзи сингари адабиётни жону диллари билан севадиган фар

БҮКРӨТ

подшоҳга шундай йўл билан тушунтиргинки, то сўзингни ёлғон деб ўйламасинлар.

Анкос ҲАКИМ.

Форсидан Маҳмуд ҲАСАНИИ таржимаси.

